



## О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

### Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 22 ноябрда  
қабул қилинган  
Сенат томонидан 2023 йил 2 июнда  
маъқулланган

Мамлакатимизда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида тузилмавий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, стандартларни кенг қўллаш учун муҳит яратиш, шунингдек мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий усулларни жорий этиш юзасидан тизимли чора-тадбирлар кўриломоқда.

Шу муносабат билан техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, шунингдек мувофиқликни баҳолаш қоидалари бузилишларининг олдини олиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган таъсир чораларини янада тартибга солиш зарурати ҳам юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан мувофиқликни баҳолаш қоидаларини техник регламентлар талабларига мувофиқ бўлмаган маҳсулот чиқарилишига ёки мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш учун маҳсулотни тақдим этган жисмоний ёки юридик шахсга зарар етказилишига сабаб бўладиган тарзда бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи ўзгартишлар киритилмоқда. Шу билан бирга техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органларининг мазкур соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ваколатлари аниқлаштирилмоқда.

Мазкур Қонун мувофиқликни баҳолаш қоидалари бузилишларининг олдини олишга, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органларининг мансабдор шахслари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон**

**Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар) куйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **214-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«214-модда. Сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш  
қоидаларини бузиш**

Сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш қоидаларини бузиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мувофиқликни баҳолаш қоидаларини мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан бузиш, агар бу техник регламентлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулот чиқарилишига ёки мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш учун маҳсулотни тақдим этган жисмоний ёки юридик шахсга зарар етказилишига, шу жумладан мувофиқлик сертификатини беришни асоссиз равишда рад этганлик, мувофиқлик сертификатининг ёхуд мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилишини асоссиз равишда тўхтатиб турганлик ёки тугатганлик натижасида фойданинг бой берилишига олиб келса, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **265-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«265-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш,  
стандартлаштириш, метрология  
ва сертификатлаштириш органлари**

Техник регламентларнинг ёки стандартларнинг мажбурий талабларига, метрология ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларга ушбу Кодекснинг 212, 213-моддаларида, 214-моддасида (бундан табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли қисми мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Техник регламентларнинг ёки стандартларнинг мажбурий талабларига, метрология ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима солиш тарзидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари – базавий ҳисоблаш миқдорининг саксон бараваригача миқдорда;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш бўйича давлат инспекторлари – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача миқдорда жарима солишга».

**2-модда.** Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини  
таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан  
уч ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 7 июль  
№ ЎРҚ–852



# **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI**

---

## **О внесении изменений в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности**

Принят Законодательной палатой 22 ноября 2022 года  
Одобен Сенатом 2 июня 2023 года

В стране принимаются системные меры по дальнейшему углублению структурных преобразований в области технического регулирования, стандартизации, метрологии и сертификации, приведению их в соответствие с международными стандартами, созданию среды для широкого применения стандартов, а также внедрению современных методов в процессы оценки соответствия.

В этой связи также возникает необходимость в дальнейшем регулировании мер воздействия, применяемых за правонарушения, совершенные в области технического регулирования, стандартизации, метрологии и сертификации, а также предупреждения нарушений правил оценки соответствия.

Настоящим Законом в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности вносятся изменения, устанавливающие ответственность за нарушение органами по оценке соответствия правил оценки соответствия, повлекшее выпуск не соответствующей требованиям технических регламентов продукции, или причинение ущерба физическому или юридическому лицу, предоставившему продукцию для проведения оценки соответствия. Вместе с тем уточняются полномочия органов технического регулирования, стандартизации, метрологии и сертификации, связанные с рассмотрением дел об административных правонарушениях в данной сфере.

Данный Закон служит предупреждению нарушений правил оценки соответствия, а также повышению эффективности рассмотрения дел об административных правонарушениях, совершенных должностными лицами органов технического регулирования, стандартизации, метрологии и сертификации дел.

**Статья 1. Внести в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности**, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2015–XII (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995 г., № 3, ст. 6; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995 г., № 9, ст. 193, № 12, ст. 269; 1996 г., № 5–6, ст. 69, № 9, ст. 144; 1997 г., № 2, ст. 56, № 4–5, ст. 126, № 9, ст. 241; 1998 г., № 3, ст. 38, № 5–6, ст. 102, № 9, ст. 181; 1999 г., № 1, ст. 20, № 5, ст. 124, № 9, ст. 229; 2000 г., № 5–6, ст. 153, № 7–8, ст. 217; 2001 г., № 1–2, ст. 23, № 9–10, ст.ст. 165, 182; 2002 г., № 1, ст. 20, № 9, ст. 165; 2003 г., № 1, ст. 8, № 5, ст. 67, № 9–10, ст. 149; 2004 г., № 1–2, ст. 18, № 5, ст. 90, № 9, ст. 171; 2005 г., № 1, ст. 18; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2005 г., № 9, ст. 312, № 12, ст.ст. 413, 417, 418; 2006 г., № 6, ст. 261, № 9, ст. 498, № 10, ст. 536, № 12, ст.ст. 656, 659; 2007 г., № 4, ст.ст. 158, 159, 164, 165, № 9, ст.ст. 416, 421, № 12, ст.ст. 596, 604, 607; 2008 г., № 4, ст.ст. 181, 189, 192, № 9, ст.ст. 486, 488, № 12, ст.ст. 640, 641; 2009 г., № 1, ст. 1, № 9, ст.ст. 334, 335, 337, № 10, ст. 380, № 12, ст.ст. 462, 468, 470, 472, 474; 2010 г., № 5, ст.ст. 175, 179, № 6, ст. 231, № 9, ст.ст. 335, 339, 341, № 10, ст. 380, № 12, ст.ст. 468, 473, 474; 2011 г., № 1, ст. 1, № 4, ст.ст. 104, 105, № 9, ст.ст. 247, 252, № 12/2, ст. 365; 2012 г., № 4, ст. 108, № 9/1, ст. 242, № 12, ст. 336; 2013 г., № 4, ст. 98, № 10, ст. 263; 2014 г., № 1, ст. 2, № 5, ст. 130, № 9, ст. 244, № 12, ст.ст. 341, 343; 2015 г., № 6, ст. 228, № 8, ст.ст. 310, 312, № 12, ст. 452; 2016 г., № 1, ст. 2, № 4, ст. 125, № 9, ст. 276, № 12, ст.ст. 383, 385; 2017 г., № 4, ст. 137, № 6, ст. 300, № 9, ст. 510, № 10, ст. 605; 2018 г., № 1, ст.ст. 1, 4, 5, № 4, ст. 224, № 7, ст.ст. 430, 431, 432, № 10, ст.ст. 671, 673, 679; 2019 г., № 1, ст.ст. 1, 3, 5, № 2, ст. 47, № 3, ст.ст. 161, 165, 166, № 5, ст.ст. 259, 261, 267, 268, № 7, ст. 386, № 8, ст.ст. 469, 471, № 9, ст.ст. 591, 592, № 10, ст.ст. 674, 676, № 11, ст.ст. 787, 791, № 12, ст.ст. 880, 891; 2020 г., № 1, ст. 4, № 3, ст.ст. 203, 204, № 7, ст. 449, № 9, ст.ст. 539, 540, № 10, ст.ст. 593, 596, № 11, ст. 651, № 12, ст. 691; 2021 г., № 1, ст.ст. 5, 7, 12, 13, 14, № 2, ст. 142, № 3, ст. 217, № 4, ст. ст. 290, 293, приложение к № 4, № 8, ст.ст. 800, 802, 803, № 9, ст. 903, № 10, ст.ст. 966, 967, 968, 973, № 11, ст. 1066; 2022 г., № 1, ст.ст. 1, 2, № 2, ст.ст. 80, 81, № 3, ст.ст. 215, 216, № 4, ст. 337, № 5, ст.ст. 464, 465, 466, 467, № 8, ст. 787, № 10, ст.ст. 981, 984), следующие изменения:

1) **статью 214** изложить в следующей редакции:

**«Статья 214. Нарушение правил сертификации и оценки соответствия**

Нарушение правил сертификации и оценки соответствия, – влечет наложение штрафа от двух до трех базовых расчетных величин.

То же правонарушение, совершенное повторно в течение года после применения административного взыскания, –

влечет наложение штрафа на граждан от трех до пяти, а на должностных лиц от пяти до десяти базовых расчетных величин.

Нарушение органами по оценке соответствия правил оценки соответствия, повлекшее выпуск не соответствующей требованиям технических регламентов продукции, или причинение ущерба физическому или юридическому лицу, предоставившему продукцию для проведения оценки соответствия, в том числе упущение выгоды в результате необоснованного отказа в выдаче сертификата соответствия, приостановления или прекращения действия сертификата соответствия либо декларации о соответствии, –

влечет наложение штрафа на должностных лиц от десяти до сорока базовых расчетных величин.

Совершение правонарушения, предусмотренного частью третьей настоящей статьи, повторно в течение года после применения административного взыскания –

влечет наложение штрафа на должностных лиц от сорока до восьмидесяти базовых расчетных величин»;

2) **статью 265** изложить в следующей редакции:

**«Статья 265. Органы технического регулирования, стандартизации, метрологии и сертификации**

Органам государственного надзора за соблюдением обязательных требований технических регламентов или стандартов, правил метрологии и сертификации подведомственны дела об административных правонарушениях, предусмотренных статьями 212, 213, статьей 214 (за исключением части, касающейся охраны природы) настоящего Кодекса.

Рассматривать дела об административных правонарушениях и применять меры административного взыскания в виде наложения штрафа от имени органов государственного надзора за соблюдением обязательных требований технических регламентов или стандартов, правил метрологии и сертификации вправе:

главный государственный инспектор Республики Узбекистан по обеспечению соблюдения требований законодательства в области технического регулирования, стандартизации, оценки соответствия и метрологии и его заместители – до восьмидесяти базовых расчетных величин;

государственные инспектора по обеспечению соблюдения требований законодательства в области технического регулирования, стандартизации, оценки соответствия и метрологии – до трех базовых расчетных величин».

**Статья 2.** Узбекскому агентству по техническому регулированию, Министерству юстиции Республики Узбекистан и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

**Статья 3.** Кабинету Министров Республики Узбекистан:  
привести решения правительства в соответствие с настоящим  
Законом;  
обеспечить пересмотр и отмену органами государственного  
управления их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему  
Закону.

**Статья 4.** Настоящий Закон вступает в силу по истечении трех  
месяцев со дня его официального опубликования.

**Президент  
Республики Узбекистан**



**Ш. Мирзиёев**

город Ташкент,  
7 июля 2023 года  
№ ЗРУ–852